

Таълим технологиясида ўқитувчи билан ўқувчининг муносабати

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни талаблар даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, баркамол салоҳиятли авлодни тарбиялаш асосий мақсад қилиб олиниб, уни ҳаётда тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам ... ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди.

Демак, бугунги кунда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириш таълим-тарбия тизимининг долзарб вазифаларидандир.

Ҳозирги янгиланаётган жамиятнинг ривожланиш жараёнида “Инсон ижодкор шахс” сифатида баҳоланмоқда.

Ўз навбатида инсонга жамиятнинг мавҳум бир зарраси деб эмас, балки дунёни ўзгартирувчи куч, ижодкор, эркин шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этмоқда.

Ҳаммага маълумки мактаб барча болалар учун қувонч келтирадиган дунёнинг фақат ижобий эшигини очиб берадиган, уларни юксак маънавият чўққисига етаклайдиган, шу йўл билан комил инсон бўлиб вояга етишлари учун хизмат қиладиган асосий маскан ҳисобланади.

Унинг асосий мақсади, барча катта ва кичик вазифалари ёш авлоднинг маънавий етук, жисмонан бақувват, илмли, ахлоқли, меҳр-мурувватли бўлиб камол топишига қаратилган.

Мактабларимизнинг вазифаси барча болаларни самарали равишда ўқитиб, уларнинг бутун ҳаёти давомида ўрганишлари лозим бўлган кўникмаларни беришни кўзда тутати.

Лекин ҳеч кимга сир эмас, барча мактабларда юқорида таъкидланган мақсад ва вазифалар англашилсада, аксарият ҳолларда мактабнинг асосий мақсади ва вазифалари фақатгина қоғозда қолиб кетади. Натижада мактабларда болалар ҳуқуқлари бузилиш ҳоллари кузатилади.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимнинг янги лойиҳасини ривожлантирувчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, у ўқувчи шахсига йўналтирилади.

Шундай экан, ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири, яъни инсонийлик қирраларини шакллантириш энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил этилиши лозим. Бундай дўстона муносабат жараёнида эса ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаш малакалари шаклланади.

Ҳамкорликка асосланган таълимда ўқувчилар эркин ўзаро фикр алмашадилар, муомала қилиш малакалари ошади, ҳар бир ўқувчи ўзи учун, гуруҳи учун, синфи учун жавоб беришга ҳаракат қилади. Натижада ўзаро ишонч ва самимий дўстона муносабат пайдо бўлади, синф учун масъулиятни сезади, ҳар бир ўқувчига раҳбарлик ролини бажариши учун имкон берилади. Ана шундай таълим усулларига – интерфаол усуллар киради. Бу усулни қўллашда ўқувчилар камситилмайди, уларнинг ожиз томонлари намоёни қилинмайди, балки ҳар бирига қобилияти, эҳтиёжи, кучи ва хоҳиши доирасида билим олишлари имконият яратилади. Синфда жисмонан ногирон ёки имконияти чекланган болаларга қулайлик яратилади, билим олиш билан ҳамкорликда ишлаш малакалари ривожлантирилади ва энг асосийси, улар жамиятнинг тўлақонли аъзолари эканлигига ишонч ҳосил қилинади.

Бундан шундай хулоса чиқади: ўқитувчи фан ўқитувчиси эмас, балки болаларнинг ўқитувчиси, ўқитувчи мен билимлар манбаи эмас, ўқув жараёнининг раҳбари, йўналтирувчиси, ташкилотчиси деб ҳисоблаши керак.

Ўқитувчи бирон нарсани билмаса, айниқса болаларнинг саволига жавоб беролмаса (баъзи ҳолатда, истисно тариқасида) “Мен ҳам билмайман, келинг, бирга ўрганиб, билиб оламиз” дейилса яхши бўларди.

Ўқитувчи мен ҳам ўқувчиман (айниқса қайта тайёрлов, малака ошириш, тажриба алмашиш курсларида ўқийман ва буни болалар билишади, демак “мен ҳам ҳамма нарсани билмайман” деган сўзни тан олиши керак).

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги замон дарсида ўқитувчи ўқувчи билан яхши, дўстона муносабатда бўлиши талаб қилинади. Шунингдек агар ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнини меҳр-муҳаббат, ишонч, бағрикенглик билан олиб борса, у албатта ширин, фойдали, ажойиб ҳосилнинг боғбонига айланади.

Шавкат Садриддинзода – ВПҚҚТМОИ педагогика-психология ва таълим менежменти кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.

Ҳадиси Шарифда тарбиявий ғояларнинг ифодаланиши

Истиқлолга эришганимизга қадар биз тарбия ишларимизга Европа педагогикасини асос қилиб олган эдик ва ўрганган эдик.

Эндиги вазифа Шарқ педагогикасини ўрганишга эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Барча таълим тизимида фаоллик кўрсатаётган педагогларга маълумки таълим ва тарбияни республикада янада ривожлантириш учун 2004 йилда педагогика фани концепцияси қабул қилинган эди.

Тарихдан аниқланганидек илму фан аввал Шарқда тараққий этган, ҳурфикрлилик биздан бошланган.

“Шарқ Европанинг муаллимидир” деганда олмон олими Ҳерлер ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам шундай, ўзбек халқининг маданий мероси улкан бир денгиз.

Миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш лозим.

Ислом дини таълимотида “Қуръони Карим”дан кейин асосий манба ҳадислар ҳисобланади.

“Ҳадис” ёки “сунна” сўзлари бир маънони англатиб, расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари, панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамлашган.

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилятлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-оқибат кўрсатиш, сахийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат, фақир-бечораларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир.

Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади.

Ҳадисларда инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллагани, ўз билими билан атрофдагиларга, жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишида муҳим омил – билим деб кўрсатилади.

Ҳадисларда, илмнинг аҳамияти ҳам кўрсатиб ўтилади. “Илм ибодатдан афзал ва у тақво диннинг устунидир” (268-ҳадис) ёки ҳақиқий комил инсон билимга бой, хушхулқ, соғлом бўлиши (182-ҳадис), уни фақат фойдали ишларга, инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришига сарф этиш кераклиги ҳам ўқтирилади.

Маълумки, исломий тарбияда энг инсоний хислатлардан бири сифатида ота-онага ғамхўрлик, уларни эъзозлаш, ота-она ҳаққини ўз ўрнига қўйиш, фарзанд ҳаққи масалаларига эътибор берилади. Ҳадисларда ҳам ана шу тарбия талаблари ўз ифодасини топган.

Ота-она ҳаққини адо этиш ҳар бир фарзанд учун фарздир. Ҳадисларда булар ўта таъсирли ва ишонарли мисолларда талқин этилади. Ҳадисларда кишиларнинг бир-бири билан дўст, тинч-тотув яшаши, мурувватли, меҳр-шафқатли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилади. Булар опа-сингил, ака-ука, қариндошлар, қўшнилар ўртасидаги муомала-муносабатларда намоён бўлади.

Ҳақиқий маънавий юксак инсон ота-она, опа-сингил, ака-ука ва яқин кишиларига, қўшниларга яхшилик қилади, бу яхшилик улар ўртасидаги тотувликни келтириб чиқарадики, пировард натижада тинч-тотув, фаровон жамият тараққий этади. Чунки ҳар бир инсон келажак авлод хотирасида яхши ишлари билан ном қолдиради.

Ҳадисларда инсонларнинг энг яхши хислатларидан яна бири саховат ҳисобланади. Саховатли инсон жамият тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшади, унинг равнақи учун жон куйдиради.

Шунингдек ҳадисларда хулқ-одоб энг эзгу инсоний хислатлар тариқасида улуғланиб, гуноҳ сифатидаги иллатлар қораланади, яъни эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий хислатлар улуғланса, исрофгарчилик, таъмагирчилик, очкўзлик, нафсу ҳавога берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар қораланади.

Жамиятнинг, инсон наслининг ривожланишига таъсир этувчи муаммоларга ҳам ҳадисларда катта эътибор берилган.

Бу муаммоларнинг энг муҳими экологик муаммо бўлиб неча асрлардан буён ўз долзарблигини йўқотмаган: экинзорларни ҳимоя этиш, дарахт ўтқазиш, харобазорларни обод этиш каби эзгу ишлар ҳам ривоят қилинади.

Ҳадисларда тозалик ва покликка, умуман руҳий ва жисмоний покликка катта эътибор берилади.

Хулоса, ҳадислар Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Шу сабабдан мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақил фикрли, онгли, одобли ёшларни тарбиялашда Ҳадиси шарифдан барча ўқитувчилар фойдаланса, фойдадан холи бўлмайди.

Шавкат Садриддинзода – ВПКҚТМОИ педагогика-психология ва таълим менежменти кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.